

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 04/30.12.2019.Tib.29.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ИРНАЗАРОВА ДИНАРА ХАМИДИЛОЕВНА

**БАЧАДОН МИОМАСИ РИВОЖЛАНИШ МЕХАНИЗМИНИНГ
КЛИНИК ВА МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

УЎК: 618.14+616-006.36-085:576.8.097.1+616.-073.4-8.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Ирназарова Динара Хамидилоевна

Бачадон миомаси ривожланиш механизмининг клиник

ва молекуляр-генетик жиҳатлари..... 3

Ирназарова Динара Хамидилоевна

Клинические и молекулярно-генетические аспекты

механизма развития миомы матки..... 21

Ignazarova Dinara Khamidiloyevna

Clinical and molecular genetic aspects of the

mechanism of uterine fibroid..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 04/30.12.2019.Tib.29.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ИРНАЗАРОВА ДИНАРА ХАМИДИЛОВНА

**БАЧАДОН МИОМАСИ РИВОЖЛАНИШ МЕХАНИЗМИНИНГ
КЛИНИК ВА МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Tib812 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Юлдашева Дилчехра Юсуфхановна**
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: **Курбанов Джахонгир Джамалович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ниязметов Рахматилла Эрматович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.В. Алимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.Н. Хаитов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.И. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда аёллар ўртасида бачадон миомасининг 80% гача тарқалиш тенденцияси кузатилиб, бу аёллар репродуктив саломатлиги муҳофазасининг долзарб муаммо сифатида муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) мақсади – «... ҳаёт давомида соғлиқни сақлашга ёрдам бериш бўлиб, касалликларнинг олдини олиш, соғлиқни сақлаш ва касалликлар ҳамда ногиронликларни енгиш муҳимлигини ҳисобга олади...»¹. Бачадон миомаси аёллар ҳаёт сифатини ёмонлаштирадиган турли гинекологик муаммоларни, жумладан бачадондан аномал қон кетишлар, чанокдаги оғриқлар, ҳомиладорликдаги асоратлар ва бепуштликларни келтириб чиқариши мумкин. Бачадон миомаси сабабли аёллар госпитализацияси гинекологик касалликларнинг 29% ни ташкил этиб, шунингдек ҳар йиллик гистерэктомияларнинг (40-60%) асосий сабабчиси бўлиб ҳисобланади². Шу жиҳатдан миомани ташхислаш ва даволашдаги катта тажрибаларга қарамай, касалликни эрта босқичларда аниқлаш, ташхислаш ва асоратларини олдиндан башоратлаш усуллари самарадорлигини оширишни тақозо этади.

Жаҳонда замонавий илмий тадқиқотларда бачадон миомасининг ривожланишига олиб келадиган асосий генетик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда касалликнинг этиологияси ва патогенезини, эрта ташхислаш ва даволашнинг самарали усуллари ва профилактика чораларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, миома ривожланишидаги предиктор хавф омилларини, молекуляр-генетик белгиларни аниқлаш, генлар ўртасидаги ассоциатив муносабатларни ўрганиш, касалликни ташхислаш ва башоратлаш алгоритмини ишлаб чиқиш, терапевтик ва профилактик чора-тадбирларини қўллаш гинекология соҳасидаги персоналлаштирилган тиббиёт йўналишида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий хизматни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, кеч репродуктив ва перименопаузал даврдаги аёллар касалликларини эрта ташхислаш, даволаш ва профилактика усуллари такомиллаштириш борасида кенг қамровли ислохатлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда «... репродуктив ёшдаги аёлларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш ҳамда кўламни кенгайтириш мақсадида: репродуктив ёшдаги аёллар орасида касалланишни камайтиришга ҳамда уларни соғломлаштиришга йўналтирилган «Соғлом аёл ойлиги»ни йилига икки маротаба ўтказиш...»³

¹WHO Guideline on Self-Care Interventions for Health and Well-Being. ISBN 978-92-4-003090-9. 13 July 2021. P.14. <https://www.who.int/publications/i/item/9789240030909>;

²Philip M.R. et al. Uterine leiomyomas revisited with review of literature // Abdominal Radiology (2021) 46:4908–4926. <https://doi.org/10.1007/s00261-021-03126-4>.

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-4513-сон «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламни янада кенгайтириш тўғрисида»ги Қарори.

каби устивор вазифалар белгиланган. Бу борада аёлларда бачадон миомаси ривожланишидаги хавф омилларининг олдини олиш, эрта ташхисни яхшилаш, миомалар билан касалланишни камайтириш, шунингдек, миоманинг симптомли кечиши ва асоратларининг олдини олиш, шу билан бу аёллар ўртасида аъзоларни олиб ташлаш жарроҳликларининг сонини камайиши ва уларнинг ХС яхшилаш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохатлар самародорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-4513-сон «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида»ги, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг республика фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Халқаро акушер-гинекологлар Федерацияси (FIGO, 2018) нинг клиник маълумотларига асосан бачадон миомаси аёллар ўртасида 30% гача учрайди. Бачадон миомаси кеч репродуктив ва перименопаузал даврдаги ижтимоий-иқтисодий фаол аёлларда учраши бўйича жинсий аъзоларнинг яллиғланиш касалликларидан кейин иккинчи ўринда туради (Радзинский В.Е., 2014; Адамьян Л.В., 2015; Donnez J., 2016, Liu F., 2018; Contegiacomo A., 2020). Миома шаклланиши учун миоматоз тугуннинг пролиферцияси ва ўсишини стимуллайдиган промотор-омиллар, миоцитларнинг генетик ўзгаришига олиб келадиган эффекторлар (ўсиш омиллари) ва инициатор-омиллар (эстроген ва прогестерон) мавжудлиги исботланган (Подзолкова Е.Е., 2015; Commandeur А.Е., 2015). Бачадон миомаси ривожланишининг кўплаб хавф омиллари ва касалликнинг гетерогенлиги унинг эпидемиологияси, этиологияси ва патогенези, молекуляр генетикаси, диагностикаси ва даволанишини ўрганиш муҳимдир (Styer А.К., 2016; Доброхотова Ю.Э., 2018). Шу муносабат билан, ушбу ҳолатни ривожланишига олиб келадиган хавф омиллари масаласини ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Хорижий адабиётларда сўнгги ўн йил ичида бир қанча экспериментал тадқиқотлар витамин D танқислиги ва бачадон миомаси ривожланиши юқори хавфи ўртасидаги боғлиқликни ўрганишга катта эътибор берилмоқда (Paffoni

A., 2013; Sabry M., 2013; Baird D., 2014; Brakta S., 2015; Pavone D., 2017; Ali M., 2019; Ciebiera M., 2020; Sheng B., 2020).

Ўзбекистон олимлари аёллар орасида бачадон миомаси шакллари, ҳамда ушбу касалликларни ташхислаш ва даволашга боғлиқ муаммолар (Муратова Н.Д., 2016; Исанбаева Л.М., 2019; Абдурахманова С.И., 2021), VDR рецепторлари полиморф вариантларининг ролини аниқлайдиган (Ибрагимов З.Ж., 2018; Азизова Г.Ж., 2019; Абдиева М.А., 2021) бир қатор тадқиқотларда ўрганилган, бироқ, аёлларда витамин D етишмовчилигининг миома ривожланишидаги ўрни ҳамда VDR рецептор генлари экспрессияси, шунингдек, ER1, VDR ва PGR рецептор генларининг ёндош экспрессияси бўйича ушбу патологиянинг ривожланишидаги аҳамияти ўрганилмаган. Юқорида келтирилган сабабларни ҳисобга олган ҳолда, муаммо ҳозирги кунда долзарб ҳисобланиб, бачадон миомаси патогенезининг замонавий аспектиларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш касалликнинг кечиши ва асоратларини олдиндан аниқлаш имконини беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ №01.1800231 «Акушерлик ва гинекологик патологияси бўлган аёлларда ташхислаш, даволаш, башорат қилиш, профилактикасини олиб боришнинг замонавий технологиялари» (2019-2021йй.) тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: аёлларда бачадон миомасининг клиник-инструментал натижалари ва молекуляр-генетик предикторларини ўрганиш ёрдамида касалликнинг ривожланиш хавфи ва клиник кечишини башоратлашнинг янги мезонларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бачадон миомасининг ривожланишидаги клиник ва анамнестик хавф омилларини баҳолаш;

ички ёнбош артерия хавзасини дуплекс сканерлашнинг ультратовуш кўрсаткичларини аниқлаш;

бачадон миомаси бўлган аёллар организмнинг витамин D га тўйинганлигини ва унинг касаллик клиник кечиши билан боғлиқлигини аниқлаш;

эстроген (rs2228480 ER1), прогестерон (rs1042838 PR) ва витамин D (rs10735810 VDR) рецепторлари генларининг полиморф вариантлари ролини аниқлаш ва уларнинг бачадон миомасининг ривожланиши ва клиник кечишида ўзаро ген-ген таъсирини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент тиббиёт академияси қўп тармоқли клиникасининг гинекология бўлими ва аёлларни соғломлаштириш марказида 2018 йилдан 2020 йиллар давомида репродуктив ва пременопаузал ёшдаги 102 нафар бачадон миомаси бўлган ва 98 нафар соғлом аёллар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида биокимёвий ва ПЗР текширувлари учун периферик қон, морфологик текшируви учун бачадон ва эндометрийнинг аспирация/биопсия материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, гинекологик, морфологик, биокимёвий, ультратовуш дуплекс сканерлаш, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бачадон миомаси бўлган аёлларнинг касаллик ривожланиш хавф омилларини баҳолаш индивидуал шкаласидан фойдаланиш асосида касалликнинг симптомли кечиши предикторлари – ёш (OR=2,1), ирсият (OR=3,1), эрта менархе (OR=5), семизлик (OR=6,4), бачадон бўшлиғини тозалаш (OR=3,75) омилларининг аҳамияти исботланган;

дуплекс сканерлаш натижасида бачадон миомасида бачадон артерияси ва миоматоз тугунларининг перифиброид чигал томирларининг қон билан таъминланиши ангиоархитектоникаси хусусиятлари ва уларнинг касалликнинг клиник кечиши билан боғлиқлиги исботланган;

бачадон миомасининг симптомсиз кечишида D витаминининг етишмовчилиги (1,7 марта кўпроқ) ва симптомли кечишида – унинг кескин танқислиги (3,1 марта кўпроқ) касалликнинг ривожланиши ва авж олиши билан патогенетик боғлиқлиги исботланган;

бачадон миомаси бўлган беморларда эстроген (rs2228480 ER1), прогестерон (rs1042838 PR) ва D витамин (rs10735810 VDR) рецепторлари генларининг аллел ва генотипик вариантларининг учраши ва аҳамияти, ушбу генларнинг ўзаро таъсирини аниқлаш ёрдамида касалликнинг кечишини башоратлашда номуқобил генотип комбинацияларини баҳолаш орқали эрта ташхислаш усулининг самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

касалликка олиб келувчи омиллар мавжуд бўлганда симптомли бачадон миомаси ривожланиш хавфини олдиндан аниқлашга асосланган;

клиник-анамнестик баҳолаш (предикторлар), биокимёвий (D витамин етишмовчилиги/танқислиги), инструментал (ангиогенезнинг фаоллашуви) ва тадқиқотларнинг молекуляр-генетик натижалари: хусусан, AG rs10735810 VDR, G/A ва A/A rs2228480 ESR1, G/T ва T/T rs1042838 PR генотиплари полиморфизмининг нохуш вариантларини ташувчанлик ёрдамида симптомли бачадон миомаси ва унинг клиник кўринишларини прогностлаш тартиби очиқ берилган;

бачадон миомасининг клиник кечиши ва олиб бориш тактикасини шакллантиришда D витаминнинг ўрни исботланган;

бачадон миомаси бўлган аёлларни ташхислаш ва олиб бориш алгоритмининг ЭХМ-дастурлари касалликни ташхислашнинг янги ёндашувлари асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов

берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти проспектив тадқиқотлар, бачадон миомаси намоён бўлишининг анамнестик, клиник, биокимёвий кўрсаткичлари, дуплексли сканерлашда бачадон қон томирлари ҳолатини баҳолаш, полимераз занжир реакциясида молекуляр-генетик текширувлар орқали аёллардаги бачадон миомаси клиник кечиши ва унинг асоратлари ривожланишини аниқлаш учун илмий асосланган натижалар, симптомли бачадон миомаси ривожланиш хавф омилларини аниқлаш, томирларни дуплекс текшириш, эрта ташхислаш ва прогнозлаш мақсадида D витамин етишмовчилиги заминида ER α , PR, VDR рецепторлари генлари полиморфизми ва уларнинг комбинацияларини аниқлаш, кўрсаткичларини ўрганиш асосида бачадон миомаси ривожланиш патогенезини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг амалий аҳамияти бачадон миомасининг ривожланишидаги хавф омилларининг олдини олиш, эрта ташхислашни яхшилаш, миомалар билан касалланишни камайтириш, rs2228480 ER1, rs1042838 PR ва rs10735810 VDR рецепторлари генларининг молекуляр-генетик таҳлилини ҳисобга олган ҳолда бачадон миомаси бўлган аёлларни клиниколди ташхислаш ва олиб бориш тактикасини аниқлашда қўллаш мумкин бўлган касаллик ривожланиш хавфини башоратлаш усулини ишлаб чиқиш, шунингдек, симптомли бачадон миомасининг кечиши ва асоратларини олдини олиш, шу билан аёллар ўртасида аъзоларни олиб ташлаш жарроҳликларининг сонини камайиши ва уларнинг ҳаёт сифатини яхшиланиши имконини яратганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бачадон миомаси бўлган аёлларни жинсий стероид рецепторлар генларининг полиморф вариантларини ва клиник-инструментал кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда ташхислаш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

аёлларда учрайдиган бачадон миомасини самарали ташхислаш алгоритмидан фойдаланиш орқали амалга оширилган илмий натижалар асосида «Бачадон миомаси билан аёлларни текширишнинг диагностик алгоритми» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 17 июлдаги 8н-р/227-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома аёлларда бачадон миомасини эрта ташхислаш, касаллик асоратларини олдиндан башорат қилиш имконини берган;

аёлларда учрайдиган симптомли ва симптомсиз бачадон миомасини самарали ташхислаш ва даволаш алгоритмидан фойдаланиш орқали илмий натижалар асосида «Бачадон миомасининг даволаш алгоритми» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 20 июлдаги 8н-р/228-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома

анамнестик, клиник, биокимёвий, инструментал кўрсаткичлар асосида аёлларда бачадон миомасини ташҳислаш, олиб бориш тактикасини ишлаб чиқиш ва самарали даволаш, беморларни радикал жарроҳлик усуллари билан даволаниш кўрсаткичини камайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

аёлларда бачадон миомасининг клиник кечиш хусусиятларига асосланган ҳолда ташҳислаш ва даволаш тартибини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлашнинг амалиётига, жумладан, Тошкент шаҳридаги 45-оилавий поликлиника ва «Laylon» аёллар Саломатлик марказининг клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 16 декабрдаги 08-09/19918-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижалари клиник амалиётга жорий қилиниши орқали миома билан касалланган аёлларда жинсий аъзолар тизими зарарланиши нохуш оқибатларини эрта баҳолаш, бачадондан аномал қон кетиш, миоманинг тез ўсиши ва кўшни аъзоларни эзилиши, бепуштлик каби симптомли бачадон миомаси асоратларини ҳамда радикал жарроҳлик амалиётлар билан боғлиқ ногиронлик даражасини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 14 илмий анжуманларда, жумладан, 5 та республика ва 9 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 8 та республика, 1 та хорижий, 1 та Scopus журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объекти ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бачадон миомасининг эпидемиологияси, этиопатогенези ва ташхиси тўғрисида замонавий тушунчалар**» деб номланган биринчи бобида ўрганилаётган муаммо бўйича масаланинг ҳолати ҳақидаги долзарб ғояларни таҳлил қиладиган маҳаллий ва хорижий адабиётлар шарҳи берилган. Бачадон миомаси (БМ) муаммосининг

эпидемиологик ва клиник тавсифи, патогенезининг генетик ва эпигенетик асослари, миома ривожланиш хавфининг экзо- ва эндоген омиллари, шунингдек, касаллик биологиясида D витаминнинг ўрни ҳамда миомани ташхислашда дуплекс сканерлашнинг аҳамиятини, шунга мос равишда миоманинг асосий сабабларини белгилайдиган таҳлилий маълумотлар келтирилган. БМ нинг клиник вариантларини ва шунга мос касалликнинг ривожланиш хавфи билан боғлиқ фундаментал ёндашувларни ишлаб чиқишда генетик маркерларнинг роли тўғрисида ҳозирги тушунчани таҳлил қилиш таклиф этилган, бу эса ушбу тадқиқотнинг зарурлигини белгилайди ҳамда келажакда масала юзасидан кенг тадқиқотлар ўтказилишини талаб қилади.

Диссертациянинг «**Бачадон миомаси билан аёлларнинг клиник хусусиятлари, материал ва текшириш усуллари**» деб номланган иккинчи боби БМ билан касалланган 102 нафар беморни, шу жумладан симптомли миомали 52 нафар ва симптомсиз миомали 49 нафар беморни ва 98 нафар аёлни проспектив ўрганиш асосида тадқиқотни лойиҳалаштиришни ўз ичига олган. Иш ТТА Гинекология ва 2-сон акушерлик ва гинекология кафедрасида таянч докторантура дастури асосида ТТА кўп тармоқли клиникасининг гинекология бўлими ва аёлларни соғломлаштириш марказида олиб борилган. Ўрганилган барча беморларда тадқиқот усуллари 3 босқичда амалга оширилган. Биринчи босқичда анкета орқали репродуктив ва пременопаузал ёшдаги 200 нафар аёлнинг шикоятлари ва анамнезлари атрофича ўрганилган. Текширилган аёллар 18 дан 54 ёшгача бўлган ёшлар тоифасига кирдилар. Ўртача ёш $40,9 \pm 0,7$ ёшни ташкил этди. Халқаро кўрсатмалар ва UFS-QoL асосида яратилган БМ ривожланиш омиллари бўйича сўровномалар текширилган аёллар саломатлиги билан боғлиқ ХСни батафсил ва объектив баҳолаш учун ишлатилган. Барча беморлар гинекологик текширувдан ўтказилган, бунда бачадон катталиги ва унинг консистенцияси, ортиқлар ҳолати аниқланган. Иккинчи босқичда клиник-лаборатор, инструментал (ультратовуш, дуплекс сканерлаш), гистологик, молекуляр-генетик текшириш усуллари қўлланилган. Маълумотлар базаси шакллантирилгандан сўнг маълумотларни қайта ишлашнинг статистик усулидан фойдаланилган. Учинчи босқичда БМ молекуляр-генетик предикторларининг ассоциатив роли ва уларнинг ўзаро таъсири ўрганилган.

Яқуний босқичда клиник ва лаборатория натижалари, молекуляр-генетик таҳлил асосида олган ҳолда БМ ривожланиш хавфини олдиндан аниқлаш усули, БМ бўлган аёлларни комплекс ташхислаш ва олиб боришда 2 электрон дастурлар ва 2 алгоритмлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотга аёлларни киритишнинг мезонлари қуйидагилар эди: 18 дан 54 ёшгача бўлган симптомли ва симптомсиз кечаётган “Бачадон миомаси” ташхиси билан беморлар, шу ёшдаги БМ бўлмаган шартли соғлом аёллар, ҳайз кўриши мавжудлиги, беморнинг текширув учун розилиги. Тадқиқотга киритилмаслик мезонлари қуйидагилар эди: 18 дан кичик ва 54 дан катта ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар, диспансер рўйхатидан ўтган беморлар, спиртли ичимликлар ва гиёҳвандлар истеъмол қиладиган, хавфли ўсмалари

мавжуд бўлган, декомпенсация ёки авж олиш босқичида бўлган сурункали касалликлари мавжуд бўлган, тадқиқотда иштирок этишдан бош тортган аёллар.

Асосий гуруҳ аёлларида назорат гуруҳига нисбатан ўтказилган соматик таҳлиллар шуни кўрсатдики, камқонлик (14,3% ва 52,9%), семизлик (31,6% ва 76,5%), қалқонсимон без (19,4% ва 34,3%) ва ошқозон-ичак касалликлари (8,2% ва 10,6%) учраш сони икки ва ундан ортиқ марта кўп учраган. Гинекологик анамнез асосан хайз цикли бузилиши (ҲЦБ) (49,1%), кичик чаноқ яллиғланиш касалликлари (КЧАЯК) (54,8%), акушерлик анамнез эса – абортлар (40,2%), одатланган (13,7%) ва спонтан (14,7%) ҳомила тушиши мавжудлиги билан асоратланган.

БМ ривожланишини назарда тутадиган эпигенетик хавф омилларини баҳолаш учун махсус шкала ишлатилган. БМ бўлган аёлларда ҲС қиёсий баҳолаш учун UFS-QoL сўровномасидан фойдаланилган (ACOG, 2002). Витамин D (25(OH)D) ни аниқлаш аёллар хайз циклининг 5-7 кунларида билан венасининг периферик қонида ИФА миқдорий усулида – микротаначаларда хемилюминесцент таҳлили (СМИА) ёрдамида ўтказилган. БАҚК (n=52) билан симптомли БМ бўлган гуруҳ аёлларида бачадон бўшлиғини даволаш-диагностик аспирацияси бажарилиб, сўнгра Республика патологик анатомия Марказида аспиратларни морфологик текширувдан ўтказилган.

Ультратовуш текшируви (УТТ) конвексли абдоминал (3.5 Мгц) ва кин датчиклари (7.5 Мгц) «Sono-Scare S-50» (Хитой) ёрдамида реал вақт тартибида амалга оширилди. Ультратовуш дуплексли сканерлаш (ДС) Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик Ангионеврология марказида (ТТА) «Sono-Scare SSI-5000», (Хитой) қурилмасида амалга оширилди. Ички ёнбош артерия (ИЁА), бачадон артерияси (БА), тухумдон артерияси (ТА) ва доминант миоматоз тугунидаги қон оқимининг тезлиги эгрилиги, томир диаметри, қон оқимининг чизиқли тезлиги (ҚОЧТ), RI, PI ва перифиброид чигалининг (ПЧ) васкуляризацияси турлари таҳлил қилинган.

Молекуляр-генетик тадқиқотлар Гематология ва қон куйиш илмий-тадқиқот институтининг молекуляр генетика лабораториясида молекуляр тиббиёт ва ҳужайра технологиялари бўлимида ўтказилган. Тадқиқот босқичлари: қон наъмуналарини олиш ва геномик ДНКни лимфоцитлардан ажратиш; полиморф локуслар детекцияси (ПЗР таҳлиллари); электрофорез ва натижаларни кўриш ёрдамида амплификацияланган қисмларни ажратишдан иборат. ПЗР учун геномик ДНК периферик қон лимфоцитларидан стандарт фенол-хлороформ депротейнизацияси билан ажратилган. 3 генлар рецепторлари промотор ҳудудларида жойлашган полиморфизмларни генотиплаш: A/G ген VDR (rs10735810), ҳамда G/A ген ESR α (rs2228480/594) ва G/T ген PGR (rs1042838) типлаштириш мажмуаси билан (ООО НПФ Литех и НПО Снтол, Москва) амалга оширилган.

Олинган маълумотларни статистик қайта ишлаш Microsoft Office Excel-2017 дастурий пакети ёрдамида Pentium-IV компьютерида амалга оширилган, шу жумладан ўрнатилган статистик қайта ишлаш функцияларидан

фойдаланилган. Ўрганилган ДНК локуслари A/G ген VDR рецептори (rs10735810), шунингдек G/A ген ESR α рецептори (rs2228480/594) ва G/T ген PGR рецептори (rs1042838) генотипларининг оғиши ва каноник Харди-Вайнберг тақсимооти (ХВТ) «GenePop» («Genetics of Population») ёрдамида баҳоланган. Уюшмалар даражаси имкониятлар нисбати (OR) ва ривожланиш хавфи (RR) қийматларида баҳоланган.

"Бачадон миомасининг клиник кўринишлари ва ташхислашнинг замонавий усуллари" номли учинчи бобида клиник шакл (симптомли ва симптомсиз БМ), биргаликда таъсир қилувчи омиллар, тадқиқотнинг диагностик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, текширилган аёлларнинг клиник ва анамнестик хусусиятлари батафсил келтирилган. Текширилган аёлларнинг ёшини ўрганилганда, асосий гуруҳда >40% беморларда кеч репродуктив ва перименопаузал ёш ($42,6\pm 1$ ва $43,5\pm 0,2$ ёш), назорат гуруҳида эса кеч репродуктив ёш ($38,7\pm 0,9$ ёш) устунлик қилган ($p<0,001$). Симптомли БМ нинг хавф омилларини таҳлил қилишда бир қатор бошланғич омиллар аниқланган: ирсият (OR=3,1), эрта менархе (OR=5), семизлик (OR=6,4), инъекцион гестагенлар (OR=14,3) ва АОК (OR=3,15) ни қўллаш, бачадон бўшлиғини қириш (OR=10,2), ҳаёт тарзи – озиқланиш (OR=7-12,5), гиподинамия (OR=5,06), етарли бўлмаган инсоляция (OR=22,6), ёпиқ кийим (OR=5), стресслар (OR=5). Асосий гуруҳ аёлларида UFS-QoL бўйича симптомларнинг жиддийлиги кўрсаткичлари шуни кўрсатдики, ХС "ёмон" (84.9%) деб баҳолаган симптомли БМ бўлган беморларни БАҚК энг кўп безовта қилган.

Симптомли БМ (n=53) бўлган аёлларни жарроҳлик даволаш натижалари таҳлил қилинди, уларнинг танлов мезонлари ёши, репродуктив мақсадлари мавжудлиги, ўрганилган аёлларда симптомли миома клиник белгиларнинг кучлилиги: БАҚК ва унинг натижасида камқонлик (86.8%), тез ўсиш белгилари (11.3%) ва чаноқ оғриғи (9.4%) аниқланган. Симптомли БМ гуруҳининг барча аёллари (n=52, 98.1%), Миллий Протоколга кўра даволаш-диагностик мақсадида бачадон бўшлиғини аспирация қилинган, сўнгра морфологик текширув ўтказилган. Бачадон артериялари эмболизацияси (БАЭ), гистероскопик ва консерватив миомэктомия каби аъзоларни сақловчи тадбирлар репродуктив ёшдаги 7 аёлнинг (13,2%) (18 дан 42 ёшгача), қинусти ампутацияси (ҚУА) ва бачадон экстирпацияси кеч репродуктив ва перименопаузал ёшдаги 1/5 (18,9%) аёлларда амалга оширилган.

Витамин D ҳолатини баҳолаш БМ бўлган аёллар гуруҳидаги қийматлар 4 дан 36 нг/мл гача ва ўртача $16,7\pm 1,8$ нг/мл эканлигини кўрсатди. Симптомли БМ бўлган аёлларда қондаги витамин D ўртача - $11,84\pm 0,46$ нг/мл ва симптомсиз – $21,54\pm 0,04$ нг/мл, назорат гуруҳида эса $29,83\pm 1,13$ нг/мл ($p<0,001$) ни ташкил этган (1-жадвал). Шу билан бирга симптомли БМ гуруҳида ($6,62\pm 0,9$ нг/мл) аниқ меноррагия клиникасида (17.7% аёлларда), симптомсиз БМ гуруҳида эса 1/3 беморларда (36.7%) витамин D етишмовчилиги аниқланган ($16,7\pm 1,6$ нг/мл). Назорат гуруҳидаги прогормоннинг қийматлари сезиларли даражада фарқ қилди ($p<0,001$).

Шундай қилиб, витамин D етишмаслиги омили БМ ривожланиш имкониятини ошириши аниқланган (OR=16,13).


1-жадвал

Текширилган гуруҳлардаги аёлларда витамин D нинг қийматлари, abs %

№	Гуруҳлар	Симптомли БМ, n=53		Симптомсиз БМ, n=49		Назорат гуруҳи, n=98	
		abs %	(нг/мл)	abs %	(нг/мл)	abs %	(нг/мл)
1	Меъёр	0	-	2 (4,11%)	34±1,2***	48(48,9,9%)	40,4±1,7
2	Етишмовчилиги	4 (7,6%)	20.8±1,9***	29(59.2%)	23.6±1,4***	33(33,8%)	24.4±1,7
3	Танқислиги	29(54.7%)	14.02±0,2***	17(34.7%)	16.8±1,6***	17(17,3%)	14,2±0,9
4	Кучли танқислик	20(37,7%)	6,62±0,9***	0	-	0	-

Изоҳ: * - назорат гуруҳига нисбатан фарқларнинг аҳамияти (*P<0,05; **P<0,01; ***P<0,001)

Симптомли БМ бўлган аёлларда витамин D даражалари билан жарроҳлик даволаш (n=16) муносабатларини таҳлил қилинганда бачадон экстирпацияси (аёлларнинг 1/3 қисмида) ва ҚУА (аёлларнинг 1/5 қисмида) оғир витамин D етишмовчилиги бўлган аёлларда амалга оширилганлиги аниқланган (1-расм).




1-расм. Витамин D етишмовчилиги/танқислигининг жарроҳлик даволаш билан боғлиқлиги, %.

Жарроҳлик даволаш тактикаси қўлланилган аёлларда операциядан кейинги материал морфологик ўрганишда эндометрит фонидо оддий типик эндометрий гиперплазияси (ЭГП) (54,5%), миоматоз тугунлари гистологиясида лейомиома (64,1%) устун эканлиги аниқланган.

БМ бўлган аёлларнинг УТТ ёрдамида асосий гуруҳда миоматоз тугунлар сони ва локализацияси аниқланган: симптомли БМ бўлган аёлларнинг 1/3 қисми (32,1%) да бир нечта тугунлар топилди, симптомли ва симптомсиз бўлган аёллар орасида эса интрамурал тугунлар (71,7% ва 63,2%) мавжудлиги устунлик қилган. Бачадон ҳажми медианаси симптомли БМ гуруҳида 237,54 см³, симптомсиз – 103,45 см³ ва назорат – 52,1 см³ (p<0,01)

ни ташкил этди. ҚОЧТ ДС да назорат гуруҳига нисбатан БА ($144,3 \pm 24,8$ см/с) ва ПЧ ($72,09 \pm 22,1$ см/с) сезиларли даражада юқори бўлиб, бу ўсма мавжудлигида бачадоннинг қон билан таъминланиши кучайганлигини кўрсатди ($p < 0,001$). PI нинг пасайиши симптомли БМ ($1,97 \pm 0,01$) бўлган аёлларда кузатилган, RI нинг пасайиши ($0,76 \pm 0,03$) шу гуруҳ аёлларидаги ПЧ да қайд этилган ($p < 0,01$). Симптомли БМ ($n=53$) гуруҳда ПЧ ДС билан текширилган аёлларнинг ярмида қон билан таъминланишнинг аралаш ($49,05\%$, $n=26$) ва 1/3 қисмида ПЧ нинг марказий тури ($28,3\%$, $n=15$), симптомсиз БМ ($n=49$) гуруҳда эса ярмидан кўпида аваскуляр ($53,06\%$, $n=26$) тури мавжудлиги аниқланган. БМ билан асосий гуруҳ аёлларида ПЧ турлари ва витамин D га тўйинганлик даражаси ўртасидаги ассоциатив муносабатларни таҳлил қилинганда, симптомли БМ бўлган аёлларда аралаш ва марказий ПЧ прогормоннинг етишмаслиги ($30,2\%$ ва $5,7\%$) ва ҳатто кучли танқислиги ($5,7\%$ ва $18,9\%$) фонид аниқланган (2-расм).



2-расм. Асосий гуруҳ аёлларида витамин D етишмаслиги/танқислиги ПЧ турлари билан боғлиқлиги, n=102, %.

"Бачадон миомаси этиопатогенезининг молекуляр-генетик омилларини ўрганиш" номли тўртинчи боби молекуляр-генетик тадқиқотлар ва VDR (rs10735810), ESR1 (rs2228480/594) ва PGR (rs1042838) рецепторлари генларининг генетик полиморфизмининг ассоциатив ролини ўрганишга бағишланган. Унинг метаболизмнинг регуляцияси витамин D етишмаслиги/танқислиги бўлган аёлларда миоманинг ривожланишида муҳим

рол ўйнайди, шу боисдан, биз VDR (rs10735810) полиморфизмини ўргандик. VDR полиморф локуси (rs10735810) – A/G генининг БМ ривожланишида генетик мойиллиги назорат гуруҳида - 45.9% ва асосий гуруҳда эса нисбатан юқори – 52.0% (OR=1,3; 95% CI 0,730-2,22) эканлиги аниқланган. Асосий гуруҳдаги аёлларнинг 2/3 қисмида ижобий аллел Ани юқори учраш сони (мос равишда 61,3% ва 71,4%, OR=0,6), касаллик ривожланишига нисбатан химоя ролини билдириши мумкин. Ноқулай гетерозигота генотиби А/Г (OR=1,7; 95% CI 0,789-3,789) ва мутант G/G (OR=1,6; 95% CI 0,463-5,503) VDR генининг полиморфизм ташувчиси билан бу касалликнинг яққол клиник кўриниши ва асоратларининг ривожланиш хавфини сезиларли даражада ошиши симптомли БМ бўлган аёлларда миома ривожланиш имкониятини ошириши аниқланган (2-жадвал).

2-жадвал

Симптомли БМ ва назорат гуруҳидаги аёлларда VDR генининг rs10735810 полиморфизмининг аллеллари ва генотипларининг учрашидаги фарқлар

Аллел/ генотип	Симп-ли БМ, n=53		Назорат n=98		χ^2	P	RR	95% CI	OR	95% CI
	n	%	N	%						
A	65	61.3	139	70.9	2.9	0.09	1.3	0.961-1.84	1.5	0.935 - 2.53
G	41	38.7	57	29.1						
A/A	17	32.1	47	48.0	3.0	0.06	0.7	0.429 - 1.041	0.5	0.254-1.03
A/G	31	58.5	45	45.9	2.3	0.1	1.3	0.932 - 1.741	1.7	0.845-3.261
G/G	5	9.4	6	6.1	0.6	0.5	1.5	0.49 - 4.812	1.6	0.463-5.503

Тадқиқотнинг кейинги босқичида БМ патогенезида иштирок этувчи ESR1 (rs2228480/594) рецептор гени полиморфизми аниқланган (3-жадвал). ESR1 гени rs2228480 G/G генотипининг мавжудлиги касаллик эҳтимоллигининг статистик жиҳатдан сезиларли пасайишига, шу билан бирга БМ ривожланишида химоя ролини ўйнашига олиб келади (OR=0,5; 95% CI 0,2587-1,028). Гетерозиготали салбий генотипларни таққослаганда БМ бўлган аёлларда G/A 1,7 марта ортади (OR=1,7; 95% CI 0,8402-3,632), A/A генотиби эса назорат гуруҳига нисбатан 2,5 марта юқорилиги аниқланган (OR=2,5).

3-жадвал

БМ ва назорат гуруҳида ESR1 (rs2228480/594) гени полиморфизмининг аллеллари ва генотипларининг пайдо бўлиш частотасидаги фарқлар

Аллель/ генотип	асосий, n=102		назорат, n= 98		χ^2	P	RR	95% CI	OR	95% CI
	n	%	N	%						
G	17	84.8	178	90.8	3.4	0.07	1.6	0.9578-2.85	1.8	0.955-3.285
A	31	15.2	18	9.2						
G/G	74	72.5	82	83.7	3.6	0.06	0.9	0.7478 - 1.005	0.5	0.2587 - 1.028
G/A	23	22.5	14	14.3	2.3	0.1	1.6	0.863-2.887	1.7	0.8402 - 3.632
A/A	5	4.9	2	2.0	1.2	0.3	2.4	0.477 - 12.09	2.5	0.468 - 13.06

БМ хужайраларнинг пролифератив фаолиятини тартибга солувчи асосий генлар PGR (rs1042838) рецепторлари генининг полиморфизми бўлиб ҳисобланади. Прогестерон миометридаги каби миомадаги PR экспрессиясини оширадиган эстрогенлар ёрдамида миоманинг периферик ўсишида фаол иштирок этади. G/T (rs1042838) гени полиморфизмининг таъсирини ўрганишда асосий гуруҳдаги G аллелини аниқлаш имконияти назорат гуруҳига нисбатан 1,8 марта (OR=1,8; 95%CI 0,9473-3,577), салбий T аллел эса 1.7 марта (OR=1,7) кўпроқ учраган (4-жадвал).

4-жадвал

БМ беморларда ва назорат гуруҳида rs1042838 гени PGR полиморфизмининг аллеллари ва генотипларининг пайдо бўлиш частотасидаги фарқлар

Аллел/ геноти п	Асосий гуруҳ, n=102		Назорат n=98		χ^2	P	RR	95% CI	OR	95% CI
	N	%	n	%						
G	177	86.8	181	92.3	3.3	0.07	1.7	0.9492-3.151	1.8	0.9473 - 3.577
T	27	13.2	15	7.7						
G/G	78	76.5	84	85.7	2.8	0.1	0.9	0.779-1.02	0.5	0.2617 - 1.121
G/T	21	20.6	13	13.3	1.9	0.2	1.5	0.8236 - 2.925	1.7	0.796-3.609
T/T	3	2.9	1	1.0	0.9	0.3	2.9	0.305 - 27.24	2.9	0.301-28.75

Лекин назорат гуруҳига нисбатан БМ бўлган беморларда гетерозиготали салбий генотип G/T (1.7 марта кўп) (OR=1,7; 95%CI 0,796-3,609) ва гомозиготали мутант генотипи T/T (2.9 марта кўп) аниқлаш частотасида (OR=2,9; 95%CI 0,371-28,75) сезиларли фарқ аниқланган. Бу симптомли БМда анъанавий прогестерон билан даволашга жавоб йўқлигини билдириши мумкин. Касаллик аломатлари айнан T/T генотип бўлган аёлларда кузатилиб, улар юқори балли хавф омилларига эга бўлган.

Шундай қилиб, БМ асосий регулятор-генларнинг ўрганилаётган полиморфизмининг популяцион таҳлили VDR (rs10735810), ESR1 (rs2228480/594) ва PGR (rs1042838) рецепторлари генлар полиморфизми касалликнинг генетик полиморфизмининг ассоциатив ролларни кўрсатади деб тахмин қилиш имконини беради. Касалликнинг мультифакториал этиопатогенезини ҳисобга олган ҳолда, аёлларда БМ ривожланишининг генетик хавфини прогнозлаш учун молекуляр-генетик тадқиқотлардаги устуворлик – касалликнинг патогенезида иштирок этадиган генларнинг полиморф локуси ассоциацияларини ўрганиш ҳисобланади.

VDR rs10735810, ESR1 rs2228480/594 ва PGR rs1042838 генлари полиморфизмларининг комбинациясини таҳлил қилишда аниқланди:

- A/G VDR rs10735810, G/A ва A/A ESR1 rs2228480/594, G/T ва T/T PGR rs1042838 полиморф локусларининг генлараро муносабати БМ ривожланиши ва кечишини ишончли тарзда аниқлайди;

- генотипда A/G VDR rs10735810, G/A ва A/A ESR1 rs2228480/594, G/T ва T/T PGR rs1042838 детерминант генларининг салбий генотиплари комбинациясининг мавжудлиги БМ хавфининг 4 баравардан ортиқ сезиларли ўсиши билан боғлиқ ($\chi^2=12,2$; P=0,05; RR=3,6; 95% CI 1.62-7.841; OR=4,4; 95% CI 1.829-10.81);

- симптомли БМ бўлган аёллар гуруҳида VDR rs10735810, ESR1 rs2228480/594 ва PGR rs1042838 детерминант генларининг салбий генотиплари комбинацияси учраши симптомсиз миома гуруҳига нисбатан 1,9 баравар юқори бўлиб, вариантларининг кооператив таъсири касаллик кучайтиради ва жарроҳлик усулида даволаш талаб қилинадиган асоратларнинг ривожланиш хавфини оширади (OR=1,9; 95% CI 0,42-8,38) (AUC=0,65).

Бешинчи **"Ишлаб чиқилган диагностик алгоритм асосида бачадон миомаси хавфини персоналлаштирилган башоратлаш"** номли бобда амалга оширилган ишлар натижасида БМ ривожланиши ва симптомли кечишини олдиндан аниқлаш бўйича комплекс ёндашув ишлаб чиқилди ва амалга оширилди, бу бачадон миомасининг пайдо бўлиши ва ривожланишининг анамнестик, клиник, инструментал, молекуляр-генетик детерминантлари асосидаги диагностик алгоритмига асосланган. БМ бўлган аёлларни диагностик алгоритмининг тавсия этилган схемасига мувофиқ текшириш миомани ўз вақтида аниқлаш ва унинг симптомли кечишини ва асоратларининг олдини олиш имконини беради.

Симптомсиз БМ бўлган аёллар асосан соғлиқни сақлаш тизимининг амбулаторияда бўғинида ва симптомли БМ билан шифохонада даволанишини ҳисобга олиб, симптомли БМ ривожланишини прогнозлаш шкаласини ишлаб чиқилган (5-жадвал).

5-жадвал

БМ бўлган аёлларда клиник, инструментал, биокимёвий ва молекуляр-генетик кўрсаткичларнинг градациясини баҳолаш

Кўрсаткичлар	0	1	2
БМ хавф омиллар шкаласи	< 15 балл	16-29 балл	> 30 балл
UFS-QoL –саволнома	< 52.5 балл	53-104 балл	105-175 балл
УТТ	Битта тугун <30мм	Битта тугун >30мм	кўп сонли тугунлар
РДС (a.uterina)	ҚОТЧ 40-100 см/с PI 2.59-3.53, RI 0.87-0.94	ҚОТЧ >100 см/с PI<2.55, RI<0.88	ҚОТЧ >100 см/с PI<2.55 RI<0.88
РДС (ПЧ)	ПЧ аваскуляр тури	ҚОТЧ>40 см / с> PI<1.1, RI 0.61 Аваскуляр ва периферик ПЧ	ҚОТЧ>40 см / с> PI<1.1, RI 0.61 Марказий ва аралаш ПЧ
Қондаги Vitamin D (25 (OH)D)	30-100 нг/мл	20-30 нг/мл	10-20 нг/мл <10 нг/мл
Гистология натижалари	-	Типик оддий ЭГП	Мураккаб типик ЭГП
rs10735810 VDR	A/A	A/G	A/G, G/G
rs2228480/594ESR1	G/G	G/A	G/A, A/A
rs1042838 PGR	G/G	G/T	G/T, T/T
Ген-ген муносабати	-	2 салбий гетерозигот генлар	>2 салбий гетерозигот генлар
Умумий балл	0-5	6-11	12-22

Жадвал маълумотларига асосланиб, БМ ва асоратлар хавфини аниқлаш ва олиб боришда қуйидаги тавсияларни таклиф этамиз: 1-гуруҳ, 5 баллгача бўлган БМ ривожланиш хавфи бўлган беморлар: клиник, анамнестик,

биокимёвий ва инструментал тадқиқотлар, ҳар йили тиббий кўрик ўтказиш тавсия этилади. 2-гурӯх, 6 дан 11 баллгача бўлган беморлар – йилига икки марта кузатиш тавсия этилади. 3-гурӯх, 12-22 балл тўплаган беморлар – ДС ўтказиш, симптомли БМни консерватив ва самара бўлмаганда жарроҳлик усуллари билан даволаш тавсия этилади, бу аёлларни ҳар 3-6 ойда динамик кузатиб бориш лозим. Ҳар бир гурӯх аёллари учун витамин D етишмаслиги/танқислигини коррекция қилишга персоналлаштирилган ёндашув тавсия этилади.

Шундай қилиб, тақдим этилган материалларга асосланиб, симптомли БМ ривожланишини прогнозлаш, хусусан, клиник ва анамнестик хавф омилларини, қонда витамин D етишмовчилигини, ДСда ПЧ марказий ва аралаш турлари, PI, RI камайганда ҚОЧТнинг ортиши, A/G rs10735810 VDR, G/A ва A/A rs2228480/594 ESR1 ва G/T ва T/T rs1042838 PGR рецепторлар генларининг салбий гетерозигот генотиплари комбинацияларининг полиморф вариантлари мавжудлигида, симптомли БМ ривожланиши билан боғлиқ деган хулоса қилиш мумкин. БМ ривожланишининг кечишини олдиндан аниқлашнинг диагностик мезонларни ишлаб чиқиш соғлиқни сақлаш тизимининг амалиётида долзарб масалаларидан биридир.

ХУЛОСАЛАР

«Бачадон миомаси ривожланиш механизмининг клиник ва молекуляр-генетик жиҳатлари» мавзусидаги тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация иши натижалари бўйича қуйидаги хулосалар берилди:

1. Миома (симптомли ва симптомсиз миома, мос равишда) ривожланиши ҳавф омилларига қуйидагилар киради: ёш (OR=1,8 ва 2,1), ирсият (OR=3,1 ва 3,0), эрта менархе (OR=5 ва 1,3), семизлик (OR=6,4 ва 5,7), инъекцион гестагенлар (OR=14,3 ва 3,7) ва орал контрацептивларни қўллаш (OR=3,15), бачадон бўшлиғини тозалаш (OR=3,75 ва 2,8), ҳаёт тарзи – гиподинамия (OR=5,1 ва 1,5), инсоляция етишмаслиги (OR=22,6 ва 3,0), ёпик кийиниш (OR=5 ва 2,4), стресслар (OR=5 ва 1,75).

2. Симптомли миомаси бўлган аёлларда дуплекс текшириш натижасида БА да ҚОЧТнинг ва ПЧнинг 1.3 марта ошиши ($p < 0,001$), ПЧ нинг аралаш (49.05%) ва марказий турлари (28.3%) ва симптомсиз миома бўлган аёлларда ПЧ нинг аваскуляр (53.06%) тури устунлиги аниқланди.

3. Витамин D нинг кучли танқислиги 37,7% симптомли миома бўлган аёлларда ($6,62 \pm 0,9$ нг/мл), симптомсиз миома бўлган аёлларнинг эса 1/3 қисмида – унинг танқислиги ($16,7 \pm 1,6$ нг/мл) аниқланди. Аъзолар олинадиган радикал операциялар витамин Dнинг кучли танқислиги бўлган симптомли БМ билан аёлларнинг 1/5 қисмида (18,9%) ўтказилди.

4. Бачадон миомасининг ривожланиши билан AG VDR (rs10735810) (OR=1,7), G/A ва A/A ESR1 (rs2228480/594) (OR=2,1), G/T ва T/T PGR (rs1042838) (OR=1,9) рецепторлари генларининг генетик полиморфизмининг ассоциатив роллари аниқланди. БМ бўлган беморлар орасида G/A VDR

rs10735810 + G/A ESR1 rs2228480/594 + G/T PGR rs1042838 предиктор генларининг салбий генотипларининг икки ёки ундан ортиқ генлараро комбинацияси билан ушбу патологиянинг ривожланиш хавфи 4.4 марта ошади (OR=4,4; 95%CI 1,829-10,81).

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 04/30.12.2019.Tib.29.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ПЕДИАТРИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

ИРНАЗАРОВА ДИНАРА ХАМИДИЛОВНА

**КЛИНИЧЕСКИЕ И МОЛЕКУЛЯРНО-ГЕНЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ
МЕХАНИЗМА РАЗВИТИЯ МИОМЫ МАТКИ**

14.00.01 – Акушерство и гинекология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2019.2.PhD/Tib812.

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tashpmi.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Юлдашева Дилчехра Юсуфхановна доктор медицинских наук, доцент
Официальные оппоненты:	Курбанов Джахонгир Джамалович доктор медицинских наук, профессор Ниязметов Рахматилла Эрматович доктор медицинских наук, профессор
Ведущая организация:	Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр акушерства и гинекологии

Защита докторской диссертации состоится «___» _____ 2022г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 при Ташкентском педиатрическом медицинском институте. Адрес: 100140, г.Ташкент, Юнусабадский район, ул. Богишамол, дом 223. Тел./факс: (+99871) 262-33-14, e-mail: mail@tashpmi.uz.

С диссертацией доктора философии (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского педиатрического медицинского института (зарегистрирована за № ___). Адрес: 100140, г.Ташкент, Юнусабадский район, ул. Богишамол, дом 223. Тел./факс: (+99871) 262-33-14.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2022 года.
(Реестр протокола рассылки № ___ от «___» _____ 2022 года).

А.В.Алимов

Председатель Научного совета по присуждению учёной степени, доктор медицинских наук, профессор

К.Н. Хаитов

Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёной степени, доктор медицинских наук, профессор

Д.И. Ахмедова

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёной степени, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире наблюдается тенденция распространения миомы матки до 80% женщин, что является одной из актуальных проблем в охране репродуктивного здоровья женщин. Содействие укреплению здоровья на протяжении всей жизни целью Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ) является, «...необходимость предотвращать болезни, поддерживать здоровье и справляться с болезнями и инвалидностью...»¹. Миома матки может вызывать различные гинекологические проблемы, включая аномальные маточные кровотечения, тазовые боли, осложнения беременности и бесплодие, тем самым ухудшает качество жизни женщин. На долю миомы приходится 29% всех гинекологических госпитализаций женщин, также она является основной причиной (40-60%) ежегодно выполняемых гистерэктомий². В связи с этим, несмотря на большой опыт диагностики и лечения миомы матки, необходимо повышать эффективность методов ранней диагностики и прогнозирования осложнений заболевания.

Во всем мире в современных научных исследованиях особое внимание уделяется изучению этиологии и патогенеза миомы матки, ранней диагностики, эффективным методам лечения и профилактических мер с учетом ключевых генетических изменений, приводящих к развитию заболевания. В связи с этим, определение предикторных факторов риска развития миомы и молекулярно-генетических маркеров, изучение ассоциативной связи между генами, разработка алгоритма диагностики и прогнозирования, применение лечебно-профилактических мер имеют важное значение в персонифицированной медицине в сфере гинекологии.

В нашей стране проводятся комплексные реформы по развитию медицинского сектора, приведению медицинских услуг в соответствие с мировыми стандартами, совершенствованию методов раннего выявления, лечения и профилактики гинекологических заболеваний у женщин позднего репродуктивного и перименопаузального периода. В нашей стране определены такие приоритеты, как «...повышение качества и эффективности медицинской помощи женщинам репродуктивного возраста проведением среди них «Месяца здоровой женщины» дважды в год, посвященного уменьшению заболеваемости и повышению индекса здоровья этих женщин...»³. В связи с этим целесообразно разработать эффективные методы ранней диагностики, предотвращения факторов риска, снижения заболеваемости миомой матки, а также предотвратить симптомное течение и осложнения

¹ WHO Guideline on Self-Care Interventions for Health and Well-Being. ISBN 978-92-4-003090-9. 13 July 2021. P.14. <https://www.who.int/publications/i/item/9789240030909>;

² Philip M.R. et al. Uterine leiomyomas revisited with review of literature // Abdominal Radiology (2021) 46:4908–4926. <https://doi.org/10.1007/s00261-021-03126-4>;

³Постановление Президента Республики Узбекистан за №-4513 от 8 ноября 2019 года «О повышении качества и дальнейшем расширении охвата медицинской помощью, оказываемой женщинам репродуктивного возраста, беременным и детям».

заболевания, тем самым, уменьшить число оргоаноуносящих операций и улучшить качество жизни женщин.

Данное диссертационное исследование в определенной степени соответствует задачам, определенных в Указах Президента Республики Узбекистан УП за №-5590 от 7 декабря 2018 года «О мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан», УП за №-6110 от 12 ноября 2020 года «О мерах по внедрению принципиально новых механизмов в деятельность учреждений первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности проводимых в системе здравоохранения реформ», Постановлениях Президента ПП за №-4513 от 8 ноября 2019 года «О повышении качества и дальнейшем расширении охвата медицинской помощью, оказываемой женщинам репродуктивного возраста, беременным и детям», ПП за №-5124 от 25 мая 2021 года «О дополнительных мерах по комплексному развитию сферы здравоохранения», а также иных нормативно-правовых актах, связанных с данной деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан: VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Согласно клиническим рекомендациям Международной Федерации акушеров-гинекологов (FIGO, 2018), частота развития миомы матки среди женщин достигает до 30%. Повышение частоты ММ в частности, у социально-экономических активных женщин позднего репродуктивного и перименопаузального периода, уступает по частоте встречаемости лишь воспалительным заболеваниям гениталий (Радзинский В.Е., 2014; Адамян Л.В., 2015; Donnez J., 2016; Liu F., 2018; Contegiacomo A., 2020). Отмечено, что для формирования миомы необходимо наличие факторов-инициаторов (эстроген и прогестерон) и эффекторов (факторы роста), приводящих к генетическим изменениям миоцитов, и факторов-промоторов, стимулирующих в последующем пролиферации и рост миоматозного узла (Подзолкова Е.Е., 2015; Commandeur A.E., 2015). Многочисленные факторы риска развития миомы матки и гетерогенность заболевания представляет большой интерес к изучению ее эпидемиологии, этиологии, патогенеза, диагностики и лечения (Styer A.K., 2016; Доброхотова Ю.Э., 2018). В связи с этим, важным представляется вопрос о предрасполагающих факторах, действие которых приводит к развитию данного состояния.

В зарубежной литературе за последние десять лет в нескольких экспериментальных исследованиях большое внимание уделяется взаимосвязи дефицита витамина D и повышенного риска развития миомы матки (Paffoni A., 2013; Sabry M., 2013; Baird D., 2014; Brakta S., 2015; Ciebiera M., 2016; Pavone D., 2017; Ali M., 2019; Sheng B., 2020).

В Узбекистана ряд учёных проводят исследования по диагностике и лечению миомы матки среди женщин с различными формами заболевания

